

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 67 (11.128)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ РИВОЖИГА УЛКАН ҲИССА ҚўШган, ҲАҚЛИ ТАРЗДА «ШАРҚ ДАРВОЗАСИ» ДЕБ НОМ ОЛган, ХАЛҚИМИЗНИНГ ҒУРУРИ ВА ИФТИХОРИДИР. АЗИМ ПОЙТАХТ ШАҲРИМИЗНИНГ МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ ТАРИХИДА ВА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИМИЗДАГИ ўрни БЕҚИЁСДИР.

ТОШКЕНТ — ТИНЧЛИК ВА ДўСТЛИК РАМЗИ

Ўзбекистон
Республикаси
Президентининг
Қарорига мувофиқ
азим Тошкент
шаҳрининг
2200 йиллиги
2009 йилнинг май
ойида кенг нишонланади



Дилором АЛИМОВА,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти директори, тарих фанлари доктори, профессор:

— Азал-азалдан нафақат бой ўтмиш тарихи, моддий ва маънавият дурдоналари, буюк олимлари, бетакрор табиати билан бутун Шарқда донг чиқарган, балки мамлакатимиз юраги бўлган Тошкент тинчлик ва дўстлик рамзи бўлиш билан бирга имл-фан ва маданиятнинг йирик маркази ҳам ҳисобланган.

Айнан шу боис ҳам ўтган 2007 йил Тошкент шаҳри таълим, фан ва маданият бўйича ислом ташкилоти-ISECO томонидан ислом маданияти пойтахти деб эътироф этилди. Шунингдек, 2007 йил 2 ноябрда ЮНЕСКО Бош Конференциясининг 34-сессиясида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини 2009 йилда халқаро миқёсда нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилиниши ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 апрелдаги «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори бу улкан санани халқаро миқёсда нишонлаш ишларини кенг қўламада бошлаб юборилишига сабаб бўлди, деб айтиш мумкин. Юбилей доирасида қатор илмий тадбирларни юқори савияда ўтказиш режалаштирилган. Хусусан, мамлакатимиз тарих илмининг сардори ҳисобланган ФА Тарих институти илмий жамоаси томонидан Тошкентнинг энг қадимий даврдан то бугунги кунгача бўлган тарихини ёритувчи илмий монография ва рисоалар нашр этиш ҳамда Тошкент шаҳри моддий ва маънавий маданияти ҳамда ўзига хос ноёб дурдоналарини акс эттирувчи альбомни нашрга тайёрлаш ва chop этишни режалаштирилган. Мазкур

илмий нашрларда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тарихи ҳамда бой ўтмиш мероси қатор тарихий манбалар— археологик, нумизматик, ёзма, эпиграф материаллар асосида ёритиб берилди. Қолаверса, айнан мазкур юбилей тантаналари доирасида 2009 йил март ойида Тошкент шаҳрида «Тошкент шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тараққиётида тугган ўрни» мавзусида халқаро илмий анжуман ҳам ўтказилди. Мазкур анжуманда нафақат мамлакатимиз олимлари, балки Тошкент шаҳри ўтмиш тарихи ва миллий қадриятлари билан шуғулланувчи хорижий мутахассис олимлар иштироки ҳам кўзда тутилган.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизнинг бош шаҳри бўлган Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейни юқори савияда ва маънавият муносиб тарзда ўтказишга мамлакатимиз олимлари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишлари шубҳасиздир.

Аскар ТОЛИПЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар худудий филиали директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мурабий:

— Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида азим пойтахтимиз таниб бўлмас даражада ўзгача чирой очиб, том маънодаги маънавий-маърифий, имл-фан, маданият маркази сифатида доврғу қозонмоқда.

Ҳар бир соҳада олиб борилаётган изчил ислохотлар туфайли мамлакатимиз нуфузи тобора ортиб, жаҳон миқёсида тан олинб тенглар ичра тенг тилга олинмоқда. Айниқса, ёш авлод камолоти йўлидаги сай-ҳаракатлар туфайли спортнинг ҳар хил

турлари бўйича нуфузли, халқаро мусобақаларда чемпионлар сафидан ўрин олиб Ўзбекистон байроғини баланд кўтаратган ешлар сафи ортиб бормоқда. Жаҳон андозалари даражасида қурилаётган спорт мажмуалари, коллеж ва лицейлар, спорт мактаблари уларнинг маънавий ва жисмоний баркамол бўлиб воғга етишига хизмат қилмоқда.

Куни кеча Юртбошимизнинг «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорини ўқиб кўнглим ғурурга тўлди. Демак, қадимдан «Нон шаҳри», «Дўстлик — биродарлик шаҳри» деб эътироф этилган, шунингдек, не-не алломалари, олим уфозолари, кураги ерга тегмаган полвонлари билан ном қозонган, мустақиллик йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик, маънавий-маърифий, юксалишлар билан хорижда ҳам тан олинаётган Тошкент шаҳримиз янада гуллаб-яшнайдди. Кўзларни қуватиб янги-янги иншоотлар, спорт комплекслари, боғу роғлар бунёд этилади. Қарорда таъкидланганидек, шаҳримиздаги тарихий обидалар ва ёдгорликларни асраб-авайлаб, қайта сайқал бериб, хориждан келатган сайёҳларга фахру гурури билан кўрсата билишимиз керак. Бу билан мустақил Ўзбекистонимизга келатган ҳар бир хорижлик меҳмоннинг пойтахтимиз тинчликда юртимизга баҳо бериб кетишига эришамиз. Ахир ҳар бир юртининг пойтахти — шу давлатнинг кўзгуси ҳисобланади.

Президентимизнинг ушбу Қарорлари ободонлаштириш, бунёдкорлик ишларида бизга дастуруламал бўлади, шаҳримизни энг ривожланган давлатлар пойтахтлари билан бемалол беллаша оладиган даражага кўтараяди.

Бугун — улғу бобомиз Амир Темури таваллуд топган кун



МАНБАЛАР ТИЛГА КИРГАНДА

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАББУСИ БИЛАН БОЙ ТАРИХИМИЗНИ, БОБОЛАРИМИЗНИНГ МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ МЕРОСИНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ ВА АСЛ ҲОЛИЧА ўРГАНИШ, БУЮК АҲДОДЛАРИМИЗ ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШ БОРАСИДА КЕНГ ҚўЛАМЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Бу жараёнда Соҳибқирон Амир Темурининг номини қайта тиклаш, минтақамиз ва жаҳон тарихида тугган ўрнини асл ҳолича ўрганиш ва халқимизга етказишга алоҳида эътибор қаратилаётди. Бундай сай-ҳаракатлар туфайли Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида бобкалонимизнинг улғувор ҳайкаллари қад ростлади. Пойтахтимиздаги муҳташам қошона — Темурийлар тарихи давлат музейи нафақат мамлакатимиз жамоатчилиги, балки хорижлик меҳмонларнинг ҳам севишли масканларидан бирига айланди.

Айни пайтда олимларимиз Амир Темури хаёти ва фаолияти, Соҳибқирон асос солган давлатчилик анъаналарини чуқур ўрганиш, Темури ва temuрийлар даврининг жаҳон цивилизацияси ривожидидаги ўрнини тадқиқ этиш юзасидан кенг қамровли ишларни олиб бормоқдалар.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН АФҒОНИСТОНДА ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИККА ЭРИШИШ ЙўлиДА КЕНГ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИККА ЧОРЛАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Бухарестда бўлиб ўтган НАТО/Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши саммити (СЕ-АП)даги нутқи, унда ифода этилган Ўзбекистоннинг НАТО билан «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасидаги ҳамкорлик истиқболларига оид баҳо ва Афғонистонда вазиятни барқарорлаштириш борасида билдирган тақлифлари хориж сиёсий, эксперт-таҳлил ва дипломатия доиралари ҳамда оммавий ахборот воситалари эътибор марказида турибди.

Чет эл оммавий ахборот воситалари ва экспертларининг таъкидлашича, Президент Ислам Каримов сузлаган нутқ конструктив аҳамият касб этгани ҳолда Бухарест саммити ишига долзарб, аниқ ва амалий ҳисса сифатида қўшилди. У мувоzanатлашган бўлиб, Афғонистонни қайта тиклаш жараёнига жалб қилинган Альянсга аъзо давлатларнинг истақ ва интилишларига ҳамроҳандир.

(Давоми 3-бетда).

Тошкент шаҳар ҳокимининг ҚАРОРИ

ТУРАР ЖОЙ ВА УЛАР АТРОФИДАН ОҚИЛОНА ҲОЛИДА Фойдаланишни таъминлашга оид Қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

аҳоли пунктларини ободонлаштириш, тозалик ва санитария талабларига риоя этилишини таъминлашни кучайтириш мақсадида:

1. Фуқаролар томонидан санитария-гигиена талабларига риоя қилмаслик, ахлат ва чикиндиларни белгиланмаган жойларга ташлаш, йўлак ва уйларнинг атрофларига ташлаб кетиш, балконларга турли буюмлар, кийим-кечакларни осиб қўйиш, уй-жой фондида фойдаланиш ва техник қоидаларини бузиш ҳолатлари аниқланганда:

- фуқароларни биринчи мартаба — расман огоҳлантириш;
- бундай қоидабузарлик иккинчи мартаба такрорланганда, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонуннинг 159, 160 ва 161-мод-

даларига мувофиқ маъмурий жазо — жарима қўлланилиши;

- учинчи мартаба содир этилганда, амалдаги қонунчиликка мувофиқ суд орқали уй-жойдан мажбурий қўчиришга бўлган кескин чоралар қўрилиши белгилансин.
- 2. Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси (К.У.Накибов), Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази (Б.Ж.Қурбонов), Худудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси (Б.С.Раҳмонов), Тезкор санитар хизмати, экология ва тозаликни назорат қилиш батальони ҳамда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, участка нозирилари билан биргаликда:
- 2.1. Турар жойлардан фойдаланиш, умумий фойдаланиладиган

жойлар, зина майдонлари, лифтлар, кириш жойлари, уй атрофидаги ерларни санитария ҳолатида сақлаш қоидаларини бузишда, уй-жойни ва турар жойларни ўзбошимчалик билан қайта жиҳозлаш ва қайта режалашда ҳамда улардан мақсадга мувофиқ бўлмаган тарзда фойдаланишда, уй-жойлардан фойдаланиш қоидалари ва нормаларига зид равишда хужасизларча сақлашда, қониди бузган, уй-жойлар, турар жойлар, уларнинг асбоб-ускуналари, ободончилик объектлари, дархаззорларга зарар келтирган фуқаролар аниқланиб, уларга тегишли таъсир чоралари қўрилиши таъминлансин.

- 2.2. Турар жойларни ва улар атрофидаги худудларни тартибли

сақлаш, уй-жой фондида фойдаланиш, уй-жойларни қуриш, аҳоли пунктларининг худудларини ободонлаштириш, тозалик ва санитария талабларига риоя этилиши устидан доимий равишда назорат ўрнатилсин.

3. «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими (Ж.Шоҳақимов), туман ҳокимлари, туман хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмасига:

турар жойларни ва уй атрофидаги худудларнинг санитария-гигиена ҳолатини яхши сақлаш, улардан фойдаланиш, қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни доимий равишда ўз мажлисларида муҳокама қилиб бориш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Ж.Усмонов ва Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи К.У.Накибов зиммаларига юклатилсин.

Тошкент шаҳар ҳокими
А. ТўХТАЕВ

2008 йил 7 апрель

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасида «Нотариат тўғрисида»ги Қонуннинг Хоразм вилоятидаги ижросига бағишланган мажлис бўлиб ўтди.

• Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси томонидан ташкил этилган конференция қандли диабет касаллигининг профилактикаси масалаларига бағишланди. Тадбирда ушбу касалликка дучор бўлган беморлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари устуворлигини таъминлаш, уларга табибий ва ижтимоий ҳизмат кўрсатиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг самараси хусусида сўз борди.

• Республикада Президентимизнинг яқинда эълон қилинган «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги Қарори асосида ёшларни ҳарбий хизматга кузатиш маросимлари бошлаб юборилди. Жумладан, Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йигин пунктида бўлажак аскарларнинг дастлабки гуруҳи армияга кузатилди.

• Шаҳрисабз шаҳрида «Амир Темури ва ўзликни англаш» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди. Анжуман доирасида «Амир Темури Европа элчиси ниғоҳида» китобининг тақдими ҳам уюштирилди.

• Апрель ойи Қашқадарё вилоятида «Амир Темури маънавияти ойлиги» этиб белгиланди. Ойлик доирасида турли илмий анжуманлар, тарихчи олимлар билан учрашувлар, танловлар ўтказиш бошлаб юборилди.

• Миллий матбуот марказида Бутунжаҳон Саломатлик кунига бағишланган «Саломатликни иклим ўзгариши таъсиридан ҳимоя қиламиз!» шиори остида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

• Наврўз байрами пскентлик кексалар учун қатта қувонч келтирди. Зеро, туман марказидаги Бобур маҳалласида меҳнат ва уруш фахрийлари ҳамда пенсионерларга хизмат кўрсатувчи замонавий санаторий фойдаланишига топширилди.

• Ўзбекистон — Ҳиндистон дўстлик жамиятида шоир Мирзо Ғолиб хотирасига бағишланган газалхонлик кечаси бўлиб ўтди.

• Марғилонда «Халолот» ЕИХ шаҳар кенгашининг замон талаблари даражасида таъмирланган биноси ёшлар ихтиёрига топширилди.

• Бўка туманининг Ачамайли қишлоғида фаолият юритаётган «Кўшбой барака» хусусий корхонасида қадокланган мақоран маҳсулотлари тайёрлаш йўлига қўйилди. Ойига 1,5 тоннадан зиёд мақоран ишлаб чиқариш қувватига эга цехда ҳозир тўрт киши меҳнат қилмоқда.

• Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси ёнги хавфсизлиги бўлимининг спорт мажмуасида ёнгини ўчириш амалий спорти бўйича вилоят чемпиони ўтказилди.

ЖАҲОНДА

• БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун халқаро кун тартиби ва ушбу ташкилотни ислоҳ қилиш масалаларини муҳокама этиш учун Москвага ташриф буюрмоқда.

• Жанубий Кореяда парламент сайловлари бўлиб ўтмоқда.

• Эрон Президенти Маҳмуд Аҳмадинажот урани боийтиш учун олти мингта янги центрифугаларни ўрнатиш ишлари МАГАТЭ ташкилоти назорати остида амалга оширилишини таъкидлади.

• Халқаро Олимпия кўмитаси президенти Жак Рогге Париж ва Лондондаги ноҳусу воқеалар — Тибет мустақиллиги тарафдорларининг хуружлари Пекин Олимпиадаси машъаласи эстафетасининг тўхтайтилишига асос бўлмаглигини қайд этди. Бугун Олимпиада машъаласи эстафетаси жуда кучли хавфсизлик чоралари қўрилгани ҳолда Сан-Францискода давом этмоқда.

• Испания миллий суд палатаси басқларнинг ЭТА айирмачилик гуруҳи аъзоси Айноу Мухику Гоньини 20 йилга озодликдан маҳрум этди. Суд ушбу киноятчини ЭТА жанговар гуруҳини ташкил этиш, ноқонуний равишда қурол-яроғ, портловчи моддалар сақлашда айбдор деб тоғди.

• Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти иклим ўзгаришининг салбий оқибатларини бартараф этишни жорий йилнинг энг долзарб вазифаси этиб белгилди.

• Бирлашган Араб Амирикларида чекишни тақиллаш тўғрисидаги қонун қабул қилинди. 15 апрелдан қучга кирувчи мазкур ҳужжатга биноан жамоат жойларида чекиш қатъиян ман этилади. Тамаки маҳсулотларини сотиш ва реклама қилиш кучли назорат остига олинади.

• Зимбабве ҳукумати 50 миллион доллар қийматидаги қоғоз пулни муомалага чиқарди. Бу каби йирик қийматли банкнотнинг муомалага киритилиши мамлакатда кўпдан бўён давом этаётган гиперинфляция оқибатидир. Айни пайтда Зимбабведа пул қадрсизлигини йилига 100 минг фоизни ташкил этади.

• Дубайда жаҳондаги энг нуфузли чавандозлик мусобақаларидан бири бўлиб ўтди. Мукофот жамғармаси 21 миллион 200 минг долларни ташкил этувчи ушбу мусобақалардаги энг кам соврин микдори олти миллион долларни ташкил этади.

Бугун — улуг бобомиз Амир Темур таваллуд топган кун

СОХИБҚИРОН БОҒЛАРИ ВА УНИНГ БУНЁДКОРЛИК ФАОЛИЯТИ

Бундан 672 йил муқаддам КЕШ (ҲОЗИРГИ ШАҲРИСАБЗ)ДАН УНЧА УЗОҚ БЎЛМАГАН ХҲЖА ИЛҒОР ҚИШЛОҒИДА ТАВАЛЛУД ТОПГАН МУҲАММАД ТАРАҒАЙ БАҲОДУР ЎҒЛИ АМИР ТЕМУР БУЮҚ САРКАРДА ВА ДАВЛАТ АРБОБИ БЎЛИШ БИЛАН БИРГА, У УЛУҒ ИНСОН ВА БУНЁДКОР БЎЛГАН.

Бунёдкорлик улуг саркарда бобомизнинг амалий фаолияти даражасига кўтарилган эди. Самарқанд, Шахрисабз, Бухоро, Тошкент ва бошқа ҳудудларда бунёд этилган меъморий обидалар, тенгсиз боғу роғлар Амир Темурда бўлган амалий шикоят намунаси. Тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур «Ободчиликка ярайдиган бирон қарич ернинг ҳам зое бўлишини раво кўрмасди».

Буюк саркарда юртни обод қилишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатни ҳам маънавий, ҳам иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаган. «Тузуқлар»да баён этилишича, «...ёқимки бирон саҳрони обод қилса, ёки қариз қурса, ё бирон боғ кўқартирса, ёхуд бирон ҳароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили (эса олиқ-солиқ) қонун-қоғдасига мувофиқ хирож йиғилсин».

Буюк бобомиз амалга оширган бунёдкорлик ва ободчилик ишларини ундан аввалги ҳеч бир ҳукмдор қилмаган эди. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, ҳазрати Амир Темурнинг саъй-ҳаракатлари билан ер ўзининг сайқали бўлиши Самарқанд атрофида бунёд этилган унча катта бўлмаган ҳудудларга кейинчалик дунёга машҳур бўлган Бағдод, Дамашк, Қоҳира, Шеърот, Султония ва ҳатто Фориш (Париж) номлари берилган.


Амир Темур Самарқандда бунёдкорлик ишларини давом эттира бориб шаҳар атрофида ажойиб боғлар яратди ҳамда соя-салқин жойларга эга бўлган ёзги суҳбатлашув жойларини бино этиб, уларни гулзорларга буркайди. Яратилган боғлардан бири саркарда рафикалардан гўзал Туман оға шарафига 1378 йилда бино этилиб Боғи-Беҳишт, яъни Жаннат боғи деб аталган.

Мироншоҳ Мирзонинг қизи шарафига қурилган Шимолий боғ Табриз мрамори билан жилоланиб, унга Эроннинг энг тажрибали рақамлари беэак берган. Соҳибқироннинг мўғул маллиси Тўқол хонимга 1397 йилда уйланиши шарафига Боғи Дилқушо боғ-саройи барпо этилган. Ушбу боғ-сарой у қаваддан иборат бўлиб, боғнинг йўлкалари, турли хиёбон ва суҳбатлашув жойлари энг анвойи гуллар билан ўралган. Элчиларни қабул қилиш ва иморатларнинг кўнгли очар тадбирларини ўтказиш учун махсус Боғи-Нав бунёд этилган. Манзарали ва мевали даратхлар соясида мағрур қад ростлаган ушбу бино ва боғ ўз ҳаёти давомида қўллаб муҳташам саройу боғ-роғларни кўрган европалик ҳукмдорларни ҳам ҳайратга солган.

Испаниянинг Амир Темур давлатидаги элчиси Луи Гонзалес Клавихо ўз эсдаликларида қайд этишича, Соҳибқирон элчини Янги Боғда қабул этган ва мазкур боғ ўзининг гўзаллиги, озодлиги ва ҳашамати билан унда катта таассурот қолдирган. Самарқанд шаҳрида барпо этилган Боғи-Чинор, Боғи-Дилқушо, Боғи-Беҳишт, Боғи-Баланд, Боғи-Рўйхуш, Боғи-Шамол каби 12 боғ шаҳарнинг қўрқига кўрк қўшиб, уни янада жозибдор қилиб кўрсатиш билан бир қаторда шаҳарнинг табиий ва иқлимий шароитларига ихобий таъсир этган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, таваллуднинг 672 йиллигини кенг нишонлаётганимиз — буюк бобомизнинг, саркарда Амир Темурнинг халқ бахт-саодати, буюк бунёдкорлик, адолат тамойилларини ўрнатиш мамлакат мудофаа қудратини юксалтириш борасидаги саъй-ҳаракатлари асрлар давомида муҳтарам Президентимиз таъбирлари билан айтганда «...Халқимиз даҳосининг тисмоли, маънавий қудратимиз рамзи» бўлиб қолаверди.

Шавкат ЁҚУБОВ, Тошкент автомобиль ва йўллар касб-хунар коллежининг масъул ходими



ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ҚОҶ МАРКАЗИДА ШАҲРИМИЗ ҲУСНИГА ҲУСН ҲАМДА КЎРК БАҒИШЛАБ ТУРГАН САЛОБАТЛИ ВА МУҲТАШАМ БИР БИНО БЎЛИБ, УНИ МАЪНАВИЯТИМИЗ САРЧАШМАСИ ДЕБ АТАСАК АРЗИЙДИ. МАЗКУР БИНО ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ БЎЛИБ, У 1996 ЙИЛДА СОХИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 660 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТАШАББУСИ ВА РАҲНАМОЛИГИДА БУНЁД ЭТИЛГАН.

Музейларда

МАЪНАВИЯТИМИЗ САРЧАШМАСИ

Музей ташкил этилганига 11 йил бўлган бўлса, шу кунга қадар мобайнида у халқимизнинг, пойтахтимиз меҳмонларининг сеvimли зиёратгоҳига айланди. Утган давр мобайнида музейга таширф буюрувчилар сони 1 миллион 400 мингга етди.

— Бугунги кунда музейга хорижий давлатларнинг арбоблари, барча расмий делегациялар ҳам тез-тез таширф буюрмоқдалар, — дейди Темурийлар тарихи Давлат музейи директори Нозим Ҳабибуллаев. — Улар Амир Темур ва Темурийлар даври тарихи билан танишиб, жуда катта таассурот олмақдалар. Шу давр мобайнида музейга жаҳоннинг турли давлатларидан 500 га яқин расмий меҳмонлар таширф буюрдилар ва Темурийлар даври тарихи билан танишиб, «Музейнинг фахрий меҳмонлар китоби»га ўзларининг таассуротларини, самимий дил сўзларини ёзиб қолдирганлар. Улар асосида музейда «Дастхатлар» кўргазмаси яратилди. Музейнинг махсус ва вазифалари ҳақида гапирадиган бўлса, музей Амир Темур ва темурийлар даврида илм-фан ва маданиятнинг юксак даражасида тараккиятини ҳаққоний ақд эттириш ва кенг тарғиб қилиш, чуқур инсонларварлик руҳи билан сугорилган тарихий йўтуқларини ва аъёнларимиз асосида ёш авлоднинг ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларнинг онгига миллий истиқлол ғоясини сингдиришдан иборат.

Вазифалар эса, музейда тарихий, маданий, маърифий фанларнинг етакчи йўналишлари бўйича илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш, республика ва хорижий мамлакатлар жамоатчилигини темурийлар даври тарихи билан таништириш, шу даврга оид манбаларни тўплаш бўйича республика ва чет элларда изланишлар олиб бориш, Амир Темур ва темурийларнинг жаҳон фани ва маданиятига қўшган улкан ҳиссасини кўрсатиб берадиган асқ ҳужжатлар, қўлёзмалар, моддий-маънавий ёдгорлик ва топилмалар асосида ўзбек халқи тарихини ёритувчи доимий ҳамда вақтинчалик экспозиция ва кўчма кўргазмалар ташкил этишдан иборат. Шунинг билан бир қаторда музей фондларида замонавий техника воситалари асосида сақланади, фондларда доим бир хил ҳарорат ва намликни таъминлаш мақсадида замонавий киши-ёзги режими кондиционер ўрнатилган. Бир сўз билан айтганда, музей ҳозирги замон талабларига жавоб беришчи барча техника воситалари билан таъминланган.

Музейда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий тадқиқот институтлари, музейлари билан ҳамкорликда республика миқёсида йирик кўргазмалар ташкил этиш ҳам анъанага айланган. Ўзбекистон тарихига оид энг ноёб ашёлардан ташкил топган «Ўзбекистон.Мозий дурдоналари». Амир Темур давлати билан Кастилия қироллиги ўртасида ўрнатилган дипломатик алоқаларнинг 600 йиллигига бағишланган «Амир Темур-Клавихо-Самарқанд», Ўзбек давлатчилиги тарихининг ёзув маданияти билан узвий боғлиқлигини ашёлар воситасида ифода қилиш «Ўзбекистонда ёзув маданияти тарихи», «Ноёб қўлёзмалар» кўргазмалари фикримиз далилидир. Шунинг билан бир қаторда, ёш авлоднинг тарихимизга, буюк шахсларга, аждодларимиз меросига юксак ҳурмат ва эътибор руҳида тарбиялашда музейда олиб борилаётган ишларнинг ҳам муҳим аҳамияти бор. Музей мактаб, лицей, коллежлар ва олий ўқув юртлири билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, бир қатор маънавий-маърифий тадбирларни ўтказиб келмоқда. Шу билан бирга музейнинг асосий экспозициясида, кўргазмаларида Амир Темур ва темурийлар даври тарихи бўйича мактаб ўқувчилари, талабаларга ўтказилаётган дарслар, «Амир Темур ва Европа».

«Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати», «Амир Темур даврида тиббиёт», «Темур тузуқлари», «Улугбек даврида Мовароуннаҳр», «Темурий маликалар» каби мавзули экскурсиялар, давра суҳбатлари ёш авлоднинг ўз Ватани тарихини чуқур ўрганишида, тарих фани бўйича билимдон мутахассислар бўлиб етиштиришда катта роль ўйнамоқда. — Музейда илмий тадқиқот ишлари бўйича изланишлар ҳам самарали олиб борилаётган. — дейди музей директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Саодат Саидханова. — Жумладан 2007 йилда битта фундаментал, 1 та инновацион ва 1 та Фанлар академиясининг ФТҚҚФ лойиҳалар устида тадқиқотлар олиб борилади ва якуллади. 2007 йилнинг иккинчи ярмида «Темурийлар даври маданий ёзма ёдгорликларининг Ўзбекистонда ва хорижда ўрганилиши» (2007 йилнинг иккинчи ярми-2011 йил) мавзусидаги фундаментал тадқиқот устида иш олиб борилаётган эса «Темурийлар даври ренессанси» фундаментал тадқиқот устида иш олиб борилади. Лойиҳа натижалари монография шаклида нашрга тайёрланди. Унинг натижалари «Амир Темур ва темурийлар даври: янги тадқиқотлар» (2004 й), «Темурийлар давлатчилиги ва ренессанси» (2006 й) мавзусидаги республика илмий анжуманларида, илмий мақолаларда, «Амир Темур-Клавихо-Самарқанд» бўклетларида ўз аксини топди ва «Темурийлар тарихи давлат музейи» мультимедиясида илмий муомалага киритилди. Шунингдек, «Темурийлар даври маданий ёдгорликлари», «Амир Темур ва темурийлар даври: янги тадқиқотлар» тўпламлари нашр этилди. Бу нашрлар таълим тизимининг барча босқичлари учун дарслик ва қўлланмалар яратишга асос бўлиб хизмат қилади.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: Темурийлар тарихи Давлат музейининг ноёб экспонатлари Алексей Попов олган суратлар

БУЮҚ САРКАРДАНИНГ БОЛАЛИК ЙИЛЛАРИ

ТЕМУРИШНОС ТАРИХЧИЛАР КЕЛТИРГАН МАЪЛУМОТГА КЎРА БУЮҚ СОХИБҚИРОННИНГ АЖДОДЛАРИ БАРЛОС УРУҒИДАН БЎЛИБ, ЧИҒАТОЙ ХОНЛАРИНИНГ СИПОХСОЛОРЛАРИ, ЯъНИ БОШ АМИРЛАРИ БЎЛГАНЛАР. ЛЕКИН ТЕМУРНИНГ БОБОСИ АМИР БАРҒУЛ ВА ОТАСИ АМИР ТАРАҒАЙ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЁҚТИРМАГАНЛАР ВА ЎЗ ХЎЖАЛИК ИШЛАРИ БИЛАН МАШҒУЛ БЎЛГАНЛАР. ШУНДАЙ БЎЛСА ҲАМ АМИР ТАРАҒАЙ ЧИҒАТОЙ УЛУСНИНГ 21-ХОНИ ҚАЗОНХОННИНГ АЪЕНЛАРИ ДОИРАСИДАН ЭДИ.

У ҳам бошқа амирлар каби хон томонидан йилда бир марта Или водийсида қақтириладиган қурултойга таклиф қилинарди. Лекин у хон саройига жуда яқин эмас эди. Амир Тарағай бутун Қашқадарё водийсининг ҳокими бўлмас ҳам унинг қандайдир қисмида ҳукми ўтадиган ҳамда ўзининг маълум миқдордаги аскарларига эга бўлиб, бу аскарларни бир неча йилга бутунлай ўз ҳисобидан жиҳозлаш олади-деган давлатманд амир (бек) эди.

Манбалар Темурнинг онаси Тақина хотун эканлигини эътироф қилиб, у амир Тарағайнинг нечанчи хотини эканлиги ва унинг насл-насаби ҳақида хабар бермайди. Ибн Арабшоҳнинг хабар беришича, Темур Кеш, яъни Шахрисабз яқинидаги Хўжа Илғор қишлоғида туғилган. Темурнинг болалик йиллари ҳақидаги хабар фақат унинг таржимаи ҳолида келтирилади. Шу маълумотларга кўра отаси уни етти ёшда мактабга беради. Манбаларга кўра Темур болалик чоғида барлослар уруги аъёнларининг болалари билан бирга тарбияланган. Темур уларнинг айримлари билан мавқеига кўра тенг, баъзиларидан юқори ёки баъзиларидан қуйроқ бўлса ҳам, болалик чоғидан унинг даҳоси сезилиб турган ва тенгдошларига таъсир қилиб, улардан устун келиб турган. У ўз тенгқурларидан ақл-заковати, шижоати ва жисмонияти билан ажралиб турган. У ҳарбий ўйинларни севган. Темурнинг болалик йилларидаги ҳарбий ўйинлари унинг баданини ва руҳини чиниктирган. Бу ўйинларда у келажак фаолияти учун тажриба орттирган.

Темур ёшлик йилларидан очинқўл ва адолатпар-

вар бўлган. Бу хусусиятлари тенгқурларини унга жалб қилган. Кейинчалик ана шу тенгқурлари орасидан йирик лашкарбошилари шаклланди. Темур ўн тўрт ёшда бир зўравонлик билан қилинган разолатнинг гувоҳи бўлиб қолади. Шунда у бундай разил ва муштумўрлар билан курашиши ҳақида қасамёд қилади. Кейинчалик у олиб борган урушларининг аксарияти ана шу қасамёдни амалга ошириш йўлида қилинади. Темурнинг шаклланишида исломнинг роли катта бўлди. Унинг отаси анча ҳудожўй турк бўлиб, илк диний таълим-тарбияни Темур ундан олади. Ун икки ёшлигида отаси унга номзони ўргатади. Темурнинг исломда камолотга эришишида шайх Шамсуддин Кулолнинг аҳамияти катта бўлди. Бу киши аввал унинг отасининг пири эди ва отасининг оиласига анча яқин эди. Темурнинг бу шахс билан биринчи учрашиши диққатга сазовордир.

Темур Шайх Кулол билан биринчи учрашганда ўн олти ёшда эди. Шайх билан у иккинчи марта ўн етти ёшда қайта учрашди. Бу учрашув пайтида Темур содда кийинган бўлиб, шайхнинг ҳузуридаги дарвешларга фажир бўлиб кўринади. Шунда шайх гарчанд унинг кўриниши бечораҳол бўлса ҳам аслида бадавлат эканлигини айтиди ва ўз ёнига ўтказди. Демак, Темурнинг тасаввуф ва нақшбандия таълимоти билан илк танишган кезлари унинг 16-17 ёшлари чоғи бўлган. Темур ўн етти ёшда қайта унинг ҳаётида юз берган муҳим воқеа шуки, отаси ўша йили тарки дунё қилиб, мулкадаги амирликни ва бутун катта хўжалик таъшишларини ёш ўғлига қолдиради. Лекин Темур хўжалик ишларини моҳирлик билан йўлга қўяди.

Темур ўн саккиз ёшда чавандозлик ва жанг машқлари билан устози бошчилигида жиддий шуғулланади. Ўн тўққиз ёшда эканлигида отаси уни амир Жаку Барлослнинг қизига уйлантиради. Ўша йили Темурнинг пахлавлонлиги, шижоати ва жасорати амир Қазагоннинг диққатини жалб қилади. Уни тез-тез ўз ҳузурига таклиф қилади ва у билан суҳбатлашади. Буни кўрган амир Қазагон набираси Ўлжай Турқон оғони унга никоҳлаб беради. Темурнинг иккала уйланиши ҳам 1355 йили юз беради.

Амир Қазагон 1356 йили ўз қўёви Кутлуг Темур

томонидан ўлдирилиб, ўрнига ўғли Абдуллоҳ мирзо Мовароуннаҳрда амирлик лавозимига ўтиради. Лекин у отаси томонидан хонликка кўтарилган Баёнқулхонни ўлдириб, хонликка Темуршоҳ Ўғлонни кўтарди. Икки йил ҳукм сурганидан сўнг Абдуллоҳ мирзо ҳам ўлдирилади. Улус хони Темуршоҳ Ўғлон хон сифатида ҳеч қандай қувватга эга эмас эди. Бу пайт Мовароуннаҳрдаги энг обрўли ва куч-қудратга эга бўлган икки амир — Баён Сулдузбек ва Ҳожи Барлослбек ҳокимияти кўлга оладилар. Лекин амир Баён Сулдузунинг мамлакатни бошқаришга қодир эмаслиги кўриниб қолади ва натижада мамлакатда ғавго бошланади. Тарихчининг айтишича: «Нўёнлардан ҳар қилшадиким оз-кўп кучи бор эрди, салтанат даъво қилур эрди».

Чигатой улусининг гарбида бирданга ўнга яқин бек салтанат даъво қила бошладилар. Булар: Кеш ва Қашқадарё воҳасида Темурнинг қариндоши амир Ҳожи Барлосл, Хўжанд ва унинг атрофида Боязид Заллоийр, Ҳисор ва Соли Саройда Қазагоннинг набираси амир Хусайн, Балхда Ўлжай Буға Сулдуз, Ши-биргонда Муҳаммад Хожа Апардий, Бадахшоннинг ўзида бир неча шох, Хўтталонда Кайхусрав ва Ўлжайт Апардий, Тошкент ва унинг атрофида Ҳизр Ясурий, Қўхистонда амир Сотилмиш эди. Темур Ҳожи Барлосл билан бирга эди. Икки йил давомида бу беклар ўртасида ҳокимият учун кураш боради.

Бу орада Чигатой улусининг шарқида 1359 йили ҳокимиятга Туғлук Темурхон келади. У Мовароуннаҳрдаги қарорсизликдан хабар топиб, 1360 йил январда лашкар тўплаб Мовароуннаҳрга келади ва Хўжанд яқинида туради. Амир Ҳожи Барлосл хондан қўриқиб, ўз яқинлари билан Хўросонга қолади. Шунда Темур биринчи марта ўзининг сиёсатдон эканлигини кўрсатади. У қўллар тенг эмаслигини кўрган, Туғлук Темурхонга хизмат қилишга тайёр эканлигини билдиради. Бундан мамнун бўлган хон бутун Қашқадарё водийси дарўғалигини Темурга топширади. Сўнг хон Или водийсига қайтади. Темур бу тадбири билан мамлакатни вайронгарчиликдан сақлаб қолади.

Ашраф АҲМЕДОВ, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти бўлим мудири, тарих фанлари доктори

МАНБАЛАР ТИЛГА КИРГАНДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида Амир Темур ва темурийлар даврига оид қўллаб манбалар сақланмоқда, — дейди мазкур институтнинг етакчи илмий ходими, тарих фанлари номзоди Омонулла Бўриев. — Қадим тарихимизни асл ҳолича ўрганиш ва ҳаққоний ёритишга берилаётган эътибор ҳамда халқимизнинг ўзлигини англашга бўлган интилишининг кучайиши туфайли ўтмишимизнинг барча даврлари, жумладан, Амир Темур ва темурийлар даври тарихини ҳам аниқ ва мукаммал тадқиқ этишга киришилди. Бу борада институтимизда сақланаётган манбаларнинг олимларимиз томонидан ўрганилиши баробарида хорижий мамлакатлар қўлёзмалар хазинасидаги мавжуд қўллаб асарлар ҳам излаб топилиши ва халқимизга етказилиши фанимиз эришаётган ютуқлар сирасига киради.

Олимларимизнинг ана шундай саъй-ҳаракатлари самараси ўларок, Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» ва Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Ибн Арабшоҳнинг «Амир Темур тарихи» каби ноёб асарлари чуқур тадқиқ этилиб, ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинди. «Амир Темур жаҳон тарихида» китоби ўзбек, рус, француз ва инглиз тилларида нашр этилди. Институт қўлёзмалар хазинасида сақланаётган тарихга оид асарлар ҳақидаги маълумотлар жамланган «Шарқ қўлёзмалари каталоги» ҳам бу борада ўзига хос қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

Айтиш жоизки, ХУ аср бошларида яшаб ижод этган тарихчи Муъиниддин Натанзий қаламига мансуб «Мунтахаб ут-тавоҳихи Муъиний» асари Амир Темур ва темурийлар даврига оид ноёб манбалардан бири ҳисобланади. Ушбу асар Амир Темур вафотидан етти йил кейин ёзиб тугатилган. Бу манбанинг асосий қисми «Жаҳон адабиёти» журналда чоп этилди. Уни китоб ҳолида нашр этиш ишлари давом этмоқда.

Амир Темурнинг турли давлатларнинг ҳукмдорлари билан ёзишмалари нафақат мамлакатимиз тарихчилари ва жамоатчилигимиз, балки жаҳон аҳлининг ҳам диққат-эътиборини ўзига жалб этиб келмоқда. Шу боис ушбу манбаларни асл ҳолича ўрганиш ва оммага етказиш ҳам тадқиқотчиларимизнинг доимий эътиборида. Манбашунос олим Санжар Фуломовнинг бу борадаги изланишлари маҳсули сифатида «Амир Темур ёзишмалари» тўплами нашрга тайёрланмоқда. Унда Соҳибқирон бобомизнинг турли давлатлар ҳукмдорларига ёзган мактублари ва уларнинг Амир Темурга йўллаган хатлари, мазкур манбаларнинг тарихи ва воқеаларнинг изоҳлари кенг ўрин ажратилган.

Олим ва мутахассисларимиз Амир Темур ҳаёти ва фаолияти акс этган асарлар билан бир қаторда темурийлар даврига оид қўлёзмаларни тадқиқ этишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Абдуразақ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн», яъни «Икки саодатли юлдузнинг чиқиш ва икки денгизнинг қўшилиш жойи» асари ана шундай манбалардан бири. Унда 1405-1470 йилларда темурийлар томонидан амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, дипломатик алоқалар ва илм-фан, маданият, санъат тараккиятига оид воқеалар тасвирланади. Ушбу асар ҳам яқин кунларда тўпلام шаклида китобхонлар қўлига етиб боради.

Буюк бобомиз Алишер Навоийнинг замондоши, моҳир тарихчи Хондамирнинг ҳаёти, ижоди ва фаолияти тарих илҳосмандларининг доимий эътиборида. Чунки у яратиб қолдирган асарлар темурийлар даври маданияти, санъати, илм-фани ва бунёдкорлик ишлари билан боғлиқ тасаввурларимизни бойитишда муҳим манба ҳисобланади. Шарқшунослик институти қўлёзмалари хазинасида унинг ана шу йўналишдаги бир неча асари сақланади. Манбашунос оlima Дилором Юсупова уларни тадқиқ қилиш асосида «Хондамирнинг ҳаёти ва ижоди» китобини ўқувчилар ҳукмига ҳавола этди.

Темур ва темурийлар даври тарихини асл ҳолича тадқиқ этиш археология фанининг ҳам муҳим йўналишларидандир. Тошкент вилоятининг Оққўрғон тумани ҳудудида, Сирдарёнинг ўнг соҳилида жойлашган Шоҳруҳия қалъаси қолдиқларининг археологларимиз томонидан ўрганилиши ўша давр тарихига оид янги маълумотлар топиш имкониятини яратди.

Амир Темур қайта барпо этган бу қалъада мамлакатимиз олим ва мутахассислари томонидан ўтказилган қазималар натижасида қўллаб кулолчилик, мисгарлик, шисасозлик ашёлари топилди. Уларнинг орасида пўлат соват ва дубулга бўлаклари, айниқса, алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу ҳарбий кийим парчалари темурийлар даври ҳарбий санъатини ўрганишда муҳим ўрин тутиши шубҳасиз. Хусусан, дубулга бўлақларининг таркибида қўллаб камёб металл мавжудлиги аниқланди.

Шоҳруҳия ёдгорлигидан олинган маълумотлар Амир Темур ва темурийлар даврининг тўлиқ ўрганилмаган жиҳатларини очишга хизмат қилмоқда. Чунки ушбу топилмалар Амир Темур давлатининг иқтисодий ва ҳарбий салоҳияти, мазкур қалъа-шаҳарни барпо этишда усталар қўллаган бунёдкорлик услублари тўғрисида янги маълумотлар беради. Ушбу экспозиция Темурийлар тарихи давлат музейида намойиш этилмоқда.

Айни вақтда шарқшунос, манбашунос ва музейшунос олимларимиз ҳамкорликда Темур ва темурийлар даври манбаларини ўрганиш борасида илмий изланишларни давом эттирмоқдалар.

Бундай тадқиқотлар юртимизнинг жаҳон цивилизацияси ривожидида ўрнини бутун дунё жамоатчилигига кенг намойиш этиш, Амир Темур ва темурийлар даври тарихини асл ҳолича ўрганиш, улғайиб келаятган авлодни бой тарихимизга ҳурмат, миллий истиқлол ғояларига садоқат ва Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

ЎЗА МУҲБИРИ Б.ХИДИРОВА Ёзиб олди

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон давлати раҳбарининг «БМТ кўмағида Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш бўйича «6+2» гуруҳи доирасида олиб борилган музокара жараёнини НАТО иштирокида янги «6+3» шаклида қайта тиклаш» борасидаги ташаббуси кенг шарҳланмоқда. Айнан шу йўл билан, яъни Афғонистонга қўшни давлатларнинг хозирга қадар фойдаланилмаган тажриба ва экспортлик билимларини қўллаш учун имконият юзага келган бир пайтда ушбу мамлакатда мавжуд узоқ мuddатли таҳдидларга чинакамгина ечим топиш мумкинлиги қайд этилди. Шу ўринда, қўллаб-қўлловчи экспертлар Ҳавфсизлик Афғонистонини қайта тиклаш жараёнида фаол иштирок этаётган етакчи давлатлардан бири деб ҳисобланади.

«Ассошиэтед пресс» ахборот агентлиги (АҚШ) Президент И.Каримовнинг «Биз Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш бутун Марказий Осиё минтақасини барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги ҳаётий муҳим муаммоларни ечиш учун қатъий имкониятлар очиб берадиган ҳавфсизликнинг ҳал қилувчи омил эканини яхши англаймиш» деган сўзларини келтириб ўтган.

«Би-би-си мониторинг» (Буёк Британия) шарҳида куйидагича таъкидланади: «Президент Ислам Каримов Афғонистонда фақат ҳарбий йўл билан тинчлик ўрнатиб бўлмастлигини қайд этди. Шу маънода аҳолини қуролсизлантириш, тинч ҳаётга йўналтириш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, ислохотларнинг босқич-ба-босқич ва изчил амалга оширилишини таъминлаш жуда муҳимдир.

И.Каримов саммит иштирокчилари олдида сўзга чиқиб НАТОнинг тобора сиёсий тузилма шаклини олаётгани бугунги кунда ҳақиқатга айланмоқда ва бу, ўз навбатида, Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши - СЕАП-ни янада ривожлантириш ва мустақамлашнинг яхши омил эканини қайд этди. И.Каримов саммит иштирокчиларини кенг қўламини халқаро ҳамкорликка, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасида аниқ амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қарғиди».

Хитойнинг «Жанмиш жибао» газетаси ўз хабарига Президент Ислам Каримов Бухарестда ўтган НАТО/СЕАП саммитида сўзлаган нутқидаги «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида Ўзбекистон ва НАТО ўртасидаги ҳамкорлик истиқболларига оид асосий жиҳатлар ёритилган қисмига эътибор қаратади. Шу ўринда «Жанмиш жибао» давлатимиз раҳбари маърузасида ифода этилган ҳамда амалга оширилиши Афғонистондаги вазиятга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бешта муҳим вазифани алоҳида ажратиб кўрсатади.

Россиянинг «РИА Новости» ахборот агентлиги Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов нутқида таъкидланган куйидаги сўзларга ургу беради: «Ҳаёт муҳим ҳаётий ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни, аҳоли бандлиги, ҳокимиятнинг вертикал бошқаруви ва нуфузини мустақамлаш муаммоларини ҳал этишни таъминлаш низоҳатда устувор аҳамиятга эга.

Бунда биз энг асосий вазифа - аҳолининг халқаро коалиция кучларига бўлган ишончини қозониш йўлини кўрамиз. Айни пайтда буларнинг барчаси жангарилирини молиялашнинг асосий манбаи бўлиши нархотиклар ишлаб чиқариш ва етказиб беришга қарши курашиш муаммосини ҳал этишда кучли омил бўлиб ҳисоб қилини мумкин».

Афғонистонда нашр қилинувчи «Daily Outlook Afghanistan» газетаси бош муҳаррири Х.Ясонинг фикрича, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг «6+2» гуруҳи шаклини кенгайтириш борасида илгари сурган тақлифи Афғонистон Ислам Республикасини тинч йўллар билан тиклаш жараёнини сезиларли даражада фаоллаш-

тириши, мамлакатда вазиятнинг барқарорлашувида манфаатдор бўлган барча кучларни жафокаш Афғонистон халқи манфаати йўлида аҳиллик билан ва аниқ ҳаракат қилишга ундаши мумкин.

Афғонистонлик шарҳловчи Президент И.Каримовнинг қўйиллати Афғонистон халқининг анъанавий диний, миллий-маданий кадриятлари ва урф-одатларини ҳурмат қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш, кам сонли миллатлар манфаатларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш юзасидан билдирган фикрига алоҳида ургу беради.

Х.Ясонинг таъкидлашича, мазкур икки муҳим омилнинг амалга оширилиши Афғонистон учун чинакам тинчлик ва фаровонликчи олиб келиши мумкин.

Мисринг «Аль-Масая» газетасида «Ислам Каримов: Афғонистондаги бекарор-

азъо-давлатлар Афғонистондаги вазиятга том маънода таъсир этиш имкониятларига эга. Унинг БМТ ва НАТО томонидан қўллаб-қувватланиши эса гуруҳ фаолиятига натижаллик ва самарадорлик бахш этади», дея фикр билдирди И.Банержи.

Исламобод Университети эксперти, доктор Симбал Хон Президент Ислам Каримовнинг Афғонистон бўйича мулоқот гуруҳи таркибини уни НАТО иштироки ҳисобига кенгайтириш тўғрисидаги тақлифини қўллар экан, илгари БМТ Ҳавфсизлик Кенгаши томонидан афғон муаммосини сиёсий йўл билан ҳал этиш йўлидаги муҳим қадам сифатида эътироф этилган «Тошкент декларацияси»ни қайта тиклаш борасидаги тақлифга алоҳида ургу берди.

Осиё тадқиқотлари бўйича Европа институти (Бельгия) эксперти Х.Ли дав-

Россия сиёсий конъюктуралар маркази эксперти Евгений Войко куйидагиларни қайд этди: «Президент Ислам Каримов нутқининг тақлифи Афғонистондаги бекарор вазият расмий Тошкент учун ҳавфсизлик соҳасида биринчи гадаги вазифалар қаторида эканини таъкидлашга имкон беради. Ўзбекистон раҳбарининг таъкидлашича, ушбу мамлакатда низоларнинг кучайиши ҳамда тангликнинг кескинлашуви глобал ҳавфсизлик ва халқаро барқарорлик учун жиддий таҳдиддир. «6+2» мулоқот гуруҳини НАТО иштироки ҳисобига «6+3» шаклига айлантириш бўйича тақлиф Ўзбекистоннинг коалиция кучларини ушбу жараёнларга Афғонистон билан қўшни бўлган барча давлатлар ва уларнинг салохиятини жалб этишга қарғидир. Ислам Каримов ўз маърузаси билан Ўзбекистон чиндан ҳам Марказий Осиёдаги барқарорликни сақлашда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади».

Россиянинг «Мир воестей» ҳафталик нашри бош муҳаррири ўринбосари Андрей Князев Президент Ислам Каримовнинг сўзлаган нутқи Ўзбекистон раҳбарияти томонидан юритилаётган ҳамда миллий манфаатларни доимо ҳисобга олган ҳолда халқаро ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган изчил ташқи сиёсатдан далолат эканини қайд этди. Унинг фикрича, Ўзбекистон Президентининг нафақат Афғонистон, балки бутун муулмон оламида тоқат қилиб бўлмайдиган вазият ва кескинликка сабаб бўлаётган Ислам динига нисбатан мултоқо асоссиз хуруж ва бўҳтонларга йўл қўймасликка даъвати жуда ўринлидир.

АҚШнинг Ратрекс университети профессори, «Global Scholarly Publications» халқаро ташкилоти директори, диншунос олим ва шарқшунос П.Морвичнинг кайд этишича, Президент Ислам Каримовнинг Афғонистонни демократик янгилаш ва модернизациялаш, нархотик моддаларни савдосига қарши кураш, мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштириш масалаларида НАТО билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича билдирган тақлифи Ўзбекистоннинг дунё миқёсида тинчлик ва раванкага эришиш ишида муҳим шерик сифатидаги сиёсий ролини даъво қилади. «НАТО саммити чоғида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов томонидан кўрсатиб ўтилган бешта муҳим йўналиш Афғонистонда Альянсининг ўз мақсадларига эришиш йўлидаги муваффақиятларни таъминлаш учун муҳимлиги шубҳасиз», деди у.

П. Морвич Ўзбекистон Президентининг Афғонистон халқининг анъанавий диний, миллий-маданий кадриятлари ва урф-одатларини ҳурмат қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш, кам сонли миллатлар манфаатларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш зарурлиги тўғрисидаги фикрини алоҳида қайд этди. «Ислам ёки бошқа бирон бир динга хуруж ҳалокати ва бемулҳоқазалидир», деди у ўз сўзида.

«Jamestown Foundation» жамғармаси (АҚШ) Марказий Осиё мамлакатлари бўйича эксперти Жон Дэйли ўз ташкилоти интернет нашрида жойлаштирилган тақлифи мақоласида шундай деб ёзади: «Ўзбекистоннинг «6+2» музокараларини янги шаклда қайта тиклашга даъвати Афғонистонда яна 29 йилдирки давом этаётган ҳамда мамлакатда тинчликни қарор топтиришга 2001 йил 11 сентябрдаги фожели воқеаларга олиб келган ҳарбий ҳаракатлар шароитида сезиларли даражада ажралиб турибди. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов томонидан Бухарест саммитида билдирилган тақлифлар Афғонистонда барқарорликни таъминлаш сари элтувчи самарали йўл харитасидир. Бухарест саммитида иштирок этган НАТОнинг қўллаб-қўлловчи вакиллари Президент Ислам Каримов тақлифини қатъий қизиқиш билан ўрганиши шубҳасиз, албатта».

«Жаҳон» АА

ЎЗБЕКИСТОН АФҒОНИСТОНДА ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИККА ЭРИШИШ ЙЎЛИДА КЕНГ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИККА ЧОРАЙДИ

лик глобал ҳавфсизликка таҳдид солишда давом этмоқда» сарлавҳали мақола эълон қилинди. Унда Ўзбекистон Президенти НАТО саммитида сўзлаган нутқида Афғонистон Ислам Республикасидаги ҳаёт муҳим ҳаётий ижтимоий ва иқтисодий муаммоларнинг ҳал этилиши афғон халқининг халқаро коалиция кучларига бўлган ишончини қозониши омил сифатида қайд этилганига ургу берилди. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг Ислам динига нисбатан бўлаётган ҳуқуқларга эътибор билан кенг қўйишга чарқигани таъкидланади.

«Афғонистон тараққиёт жамғармаси» (Афғонистон) эксперти А.Каримий Ўзбекистон Президенти томонидан Афғонистондаги ҳаёт муҳим ҳаётий ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этиш устуворлигининг муҳимлиги тўғрисидаги фикрининг илгари сурилгани давлатимиз раҳбарининг Афғонистон Ислам Республикасидаги бугунги иқтисодий вазиятни чуқур даражада билишидан далолат эканини айтиб ўтди. «Энг муҳими, Ислам Каримов саммитда биринчилардан бўлиб бу ҳақда сўз юритди, ва шу маънода Афғонистондаги вазиятни тартибга солишда барча томонлар сайёй-ҳаракатларини жадаллаштириш зарурлиги борасида рад этиб бўлмас далилларни келтирди», деди у.

«САПРА Ҳиндистон» тадқиқот жамғармаси ижрочи директори Индранил Банержи Президент Ислам Каримов илгари сурган тақлифларда ҳаёт муҳим ҳаётий ижтимоий-иқтисодий муаммоларни, аҳоли бандлиги, ҳокимиятнинг вертикал бошқаруви ва нуфузини мустақамлаш муаммоларини ҳал этишни таъминлаш устувор аҳамиятга эгаллиги ҳақли равишда эътилоғини қайд этди. У Афғонистонда фаол ижтимоий тузилманинг йўқлиги, юқори даражадаги ишсизлик, жойларда ҳокимият органлари имкониятларининг чеклангани мазкур мамлакатдаги бекарорлик ва ҳавфли вазиятнинг асосий сабабларидан эканини қайд этди.

«6+2» мулоқот гуруҳи доирасида Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш бўйича музокаралар жараёнини қайта тиклаш ҳамда унинг фаолиятига НАТОнинг ҳам жалб этилиши долзарбдир. Ўтган асрнинг 90-йиллари охирида Афғонистон ташаббуси Афғонистон муаммосини ҳал этишда муҳим рол ўйнади. Ушбу гуруҳга

латимиз раҳбарининг НАТО саммитидаги нутқи Афғонистонни низолар бартараф этилганидан сўнг барқарорлаштириш жараёни аниқ ҳис этиши билан ажралиб туришини айтиб ўтди. Унинг фикрича, ҳавфсизликка умумий таҳдидларни ҳал этиш ишига бу тарздаги жиддий ёндашув ҳамда Ўзбекистоннинг НАТО билан аниқ ҳамкорликка тайёр эканининг олий даражада бўлиши Афғонистон ва умуман Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида биргаликдаги сайёй-ҳаракатлар учун чинакам истиқболлар мавжудлигини далолат беради.

НАТО ҳузурдаги Италия делегацияси ҳарбий-сиёсий бўлими маслаҳатчиси Андреа Оризо таъкидлаганидек, Президент Ислам Каримовнинг мазкур саммитда нутқи ҳозирги вақтда Афғонистонда Альянс олдида турган ҳаёт муҳим ва долзарб вазифаларни ўзида қамраб олгани билан эътиборни жалб этади. «Маърузада уларнинг ҳал этиш йўллари аниқ кўрсатиб ўтилган. Италия ҳукумати НАТО раҳбарияти билан бир қаторда Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш истиқболлари юзасидан Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган тақлифларни қатъий қизиқиш билан қабул қилди», деди у.

А.Оризо, шунингдек, Европа давлатлари динлараро тотувлик ва баргирекликни таъминлаш масалаларида жиддий ёндашши ҳамда Ислам динини терроризм ва экстремизм билан қиёслашнинг барча қўри-нишларини бартараф этиши лозимлигига эътибор қаратади.

НАТО Халқаро ҳарбий штабининг Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик бўлими ходими, подполковник Жим Лемптоннинг фикрича, «ташкилотда Афғонистонда халқаро ҳавфсизлик кучлари сайёй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаши жараёни Ўзбекистоннинг иштирокисиз самарали бўлмастлиги тўғрисида тушунча мавжуд. Шу муносабат билан НАТО-да Президент Ислам Каримовнинг Бухарест саммитидаги иштирокига муҳим аҳамият қаратилади».

— Ўзбекистон раҳбарияти томонидан белгилаб берилган келгуси ҳамкорликдаги аниқ йўналишлар томонларнинг умумий манфаатларига тўла мос келади ва улкан истиқболларга эгадир, — деб ҳисоблайди Ж.Лемптон.

«Жаҳон» АА, Вашингтон

АҚШДА ТУРКИСТОН — АМЕРИКА АССОЦИАЦИЯСИ МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

НЬЮ-ЖЕРСИ ШТАТИНИНГ ДОВЕР ШАҲРИДА АҚШДАГИ ЭТНИК ЎЗБЕКЛАРНИ ЎЗИДА БИРЛАШТИРГАН ЖАМОАТ ТАШКИЛОТИ — ТУРКИСТОН-АМЕРИКА АССОЦИАЦИЯСИ (ТАА) МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ МАРКАЗИНИ РАСМИЙ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Тадбир Наврўз байрами тантаналари доирасида ўтказилди. Унда АҚШ сиёсий ва ижтимоий-маданий доиралари вакиллари иштирок этди. — Марказнинг ташкил этилиши АҚШдаги ўзбек жамияти ҳаётида муҳим тарихий воқеа ҳисобланади, — дея таъкидлади тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан ТАА президенти Абдулла Хўжа. — Унинг фаолияти миллий ва маданий анъаналарни сақлаб қолишга, ватандошларнинг ўз тарихий юрти билан алоқаларини мустақамлашга қаратилгандир.

Шунингдек, у Ўзбекистон президенти Ислам Каримовга Миллий-маданий марказ фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани учун ўзининг чуқур ва самимий миннатдорчилигини изҳор этди.

Абдулла Хўжа Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон суверенитетини мустақамлаш ҳамда ўзбек халқининг миллий ўзлигини англаш ва ривожлантиришга қаратилган аниқ мақсадли сиёсат юритиш борасидаги тарихий хизматларини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон томонидан Миллий-маданий марказга юртимиз тарихи, адабиёти ва маданияти бўйича юзлаб китоблар ҳамда рангли нашрлар тақдим этилди.

Очилиш маросимида иштирок этган АҚШ Давлат департаментининг Ўзбекистон бўлими директори Б.Рорафф таъкидлашча, ТАА Миллий-маданий маркази икки мамлакат халқлари ўртасидаги маданий-гуманитар ҳамкорликни ва ўзаро тушунишни янада кенгайтиришга кўмак беради ҳамда у жамоатчилик алоқаларини ривожлантиришда ишончли «қўриқ» бўлиб хизмат қилади.

Тадбир иштирокчилари Марказ биносини алоҳида таъкидлаган ҳолда аниқ таъкидлашча, маданий санъати усталарининг ишларига юқори баҳо берди. Эндликда марказ залларида юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётда қўлга киритаётган ютуқларининг тарғиботи бўйича турли тадбирлар ҳамда маданий-маънавий байрамлар ўтказиб турилади.

Наврўз аёймида Миллий-маданий марказнинг расмий очилиш маросимининг ўтказилиши АҚШ сиёсий ва ижтимоий-маданий доираларида ижобий акс-садо берди.

«Жаҳон» АА, Вашингтон

Иқтисодиёт

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

ИЧКИ БОЗОРМИЗНИ ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ МАҲСУЛОТЛАР БИЛАН ТўЛДИРИШ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАН ЧУҚУР БИЛИМ, МАҲОРАТ, ИЗЛАНИШНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ. ИШОНЧЛИ ҲАМКОРЛАР ТОПИШ, ХОРИЖИЙ ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЮТУҚЛАР ОМИЛИ БЎЛАДИ.

Импорту ўрнини босувчи сифатли ва рақобатбардор чарм маҳсулотлари ишлаб чиқаришда юксак унумли дастгоҳ ва ускуналар ҳамда малякали ишчи-хизматчилар ёрдамига таяниб фаолият юритаятган «Қодиров З.А.» хусусий корхонаси ҳам мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланаётган жамоалардан ҳисобланади.

Ҳозир мазкур жамоада 28 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Жамоа ахли ички бозоримизни импорт ўрнини босадиган сифатли ва рақобатбардор, асосийси, нисбатан арзон аёллар сумкалари билан тўлдиришни эзгу мақсад қилишган. Маҳаллий хом ашё ҳамда Хитойдан келтирилган фурнитура жойида қўлланилган бежирим, қулай, турли ҳажм, ранглардаги сумкалар ҳар қандай нозиктаёб аёлга ҳам манзур бўлмоқда, хорижикидан асло қолишмаслиги билан алоҳида ажралиб туради.

Ўтган давр мобайнида жамоа ахли 600 турдаги сумкаларни тайёрлашни ўзлаштирган бўлиб, ҳамкорлар, кредит олиш масалалари хусусида, янги лойиҳалар устида изланаётган корхона тадбиркорлари хайрли мақсадлари йўлида изланмоқда.

ГЎЗАЛЛИК ЯРАТУВЧИЛАР

ГЎЗАЛ, ЛОБАР ҚИЗ-ЖУВОНЛАРИМИЗНИ ТАҚИНЧОҚЛАР ЯНАДА ЖОЗИБАЛИ, МАФТУНКОР ҚИЛАДИ. ГЎЁКИ ТАБИАТНИНГ ЎЗИ ҲАМ ТУРЛИ-ТУМАН ТОШЛАРИ БИЛАН ГЎЗАЛИК ЯРАТИШГА ШАЙЛАНГАНДЕК...

Чилонзор туманида фаолият юритаётган «SAMOSVET» масъулияти чекланган жамияти жамоаси ҳам бир неча йиллардан буён маҳаллий тошлар билан безалган тақинчоқлар ишлаб чиқариб, юртимиз аёлларини мамнун этишмоқда.

— Қўли гул хунармандларимиз қалб қўри билан ясаётган тақинчоқларни безашга ўзимизнинг тоғлардаги тошлардан самарали фойдаланамиз, — дейди жамият бошқаруви раиси Лола Содикова. — Улар — феруза, оникс, яшма, обсидиан, фрезолит каби тошлар бўлиб, ишлов берилган, янада жиловлаб, ҳар бир тақинчоқга ўзгача жозоба бағишлайди. Маҳсулотларимиз нафақат юртдошларимизга, балки хорижликларга ҳам манзур бўлишда жамоа аҳлимизнинг юксак маҳорати алоҳида таҳсинга лойиқ. Ҳозирда биз саксон турдаги жозибали маҳсулотларни ишлаб чиқармоқдамиз.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Ярмаркалар

ИШГА, ЎҚИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР БЕРИЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН ФМДП ТОШКЕНТ ШАҲАР СЕРГЕЛИ ТУМАНИ КЕНГАШИ ҲАМДА ТУМАН БАНДЛИККА КЎМАКЛАШУВЧИ МАРКАЗ ҲАМКОРЛИГИДА «ЁШЛАР ЙИЛИ» МУНОСАБАТИ БИЛАН ТУМАНДАГИ ПОЛИТЕХНИКА КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИДА «БЎШ ИШ ҲАМДА ВАКАНТ ЛАВОЗИМЛАР» МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Унда ФМДП шаҳар ва туман Кенгаши фаоллари, туман ҳокимлиги вакиллари, туман Бандликка кўмаклашувчи марказ ходимлари, туман ИИБ, «Камолот» ЕИХ, ижтимоий таъминот бўлимлари, тумандаги мавжуд ўрта махсус, касб-хунар коллежларининг битирувчи ёшлари ҳамда айни пайтда банд бўлмаган аҳоли иштирок этди.

Тадбирни Сергели туман Бандликка кўмаклашувчи марказ директори Холида Низомова очиб, ёшларни ва банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш борасида марказ томонидан олиб борилаётган амалий сайёй-ҳаракатлар, ташкил этилган мазкур меҳнат ярмаркасининг аҳамиятли жиҳатлари ҳақида тўхталди.

Дарҳақиқат, ёшларимиз тақдири бугун давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Чунки, илгор, билимли, соғлом, ҳар жиҳатдан баркамол, малакали мутахассислар юрт раванки ва тараққиётини белгилаб беради. Мамлакатимиз аҳолисининг аксарият қисмини ташкил этадиган ёшларни замонавий касб-хунарга ўргатиш ва иш билан таъминлаш бугунги кунда илгари суриллаётган долзарб вазифалардан биридир. Вазифаларнинг ўз вақтида ечими эса улар орасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, ёт гоғлар таъсирига тушиб қолишдан асрашга хизмат қилади.

Яқинда ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган «Ёшлар йили» Давлат дастурида бу масалаларни ҳал этишнинг мавзуси ва йўналишлари белгилаб берилди. Йигит-қизларнинг ўрта махсус касб-хунар коллежлари, олий таълим муассасаларида олган билим ва малакаларини амалий ҳаётда намоён этиши ва ишлатиши, жамият ҳаётида мустақам ҳурин эгаллашларига эришиши борасида жойларда мутасадди ташкилотлар томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг ўтказилган мазкур ярмарка мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Меҳнат ярмаркасида тумандаги мавжуд ташкилотлардаги бўш ва янги иш ўринлари тақдим этилиб, улардаги шарт-шароитлар ҳамда ишга жойлашиш тартиб-қондалари тўғрисида батафсил маълумотлар, қатнашчиларни қизиқтирган саволларга жавоблар берилди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

ИЖОДИЙ УЧРАШУВ ЎТКАЗИЛДИ

ШАҲРИМИЗДАГИ 50-МАКТАБДА ШЕЪРИЯТ ИХЛОСМАНДАРИ ИШТИРОКИДА «ДАНКО» АДАБИЙ-ИЖОДИЙ БИРЛАШМАС ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ИЖОДИЙ УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ.

Тадбирга йиғилганлар тажрибали адиблар ва шеърият оламига эндигина кириб келаётган ёшлар ижодидан баҳра-



Касаба уюшмалари фаолиятдан

РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

МАЪЛУМКИ, МИЛЛИЙ ГОЯ ТАРҒИБОТИ ИЖТимоий-СИЁСИЙ, ИҚТисодий ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИНИ БЕЛГИЛАБ ОЛГАН ЯНГИ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ РИВОЖИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.


Куни кеча В.Сивец номидаги «Авиасозлар» маданий саройида ўтказилган «Маданият саройлари ва клубларининг меҳнатчилар, талаба-ёшларни маданий-маърифий жиҳатдан тарбиялаш, уларни фаол маданий-оммавий ишларга жалб этишдаги роли тўғрисида» мавзусидаги семинар-кенгашда айни шу масалалар ҳусусида сўз борди. Унда соҳа мутасаддилари олий ўқув юрларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича масъул ходимлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Йиғилиши Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Анатолий Ефимов кириш сўзи билан очар экан, соҳа бўйича олиб борилаётган ишлар,

манд бўлдилар. Яъни ихлосмандлар эътиборига Станислав Колчин, Татьяна Попова, Геннадий Ким, Гуарик Багдасарова, Вера Вавилова, Алексей Кирдяков, Тамара Васильева, Геннадий Арефьев уларнинг «Валькирия», «Кўнгирикчи кутма», «Учрашув», «Барг», «Яна баҳор», «Баҳор калити» каби янги шеърларини хавола этдилар.

(Ўз муҳбиримиз)

СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар. Алексей Попов олган суратлар



Касаба уюшмалари фаолиятдан

РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

МАЪЛУМКИ, МИЛЛИЙ ГОЯ ТАРҒИБОТИ ИЖТимоий-СИЁСИЙ, ИҚТисодий ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИНИ БЕЛГИЛАБ ОЛГАН ЯНГИ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ РИВОЖИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.

Йиғилиш давомида таъкидлаб ўтилгандек, бугунги кунда миллий гоё тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини ошириш, ёшларнинг бўш вақтларини маъмулий ўтказиш маънавий жиҳатда кескинлиги бўлмайдиган вазифалардан биридир. Энг муҳими мулкчилик шаклидан қатъий назар барча маданият уйлари, саройлари ва клубларида турли тўғаракларни ташкил этиш, қизиқарли кўрик-танловлар ую



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

ХИКМАТЛАР

Баъзан шундай ҳам бўладики, киши ўз оиласини боқиб, хотини ва болаларини таъмин қилиш учун мол йиғиб, бойлик тўплашга мажбур бўлади ва бу йўлда ўзини қурбон қилади. Бундай одам оловга ташланган хушбўй уд ёғочига ўхшайди, унинг ҳидидан бошқалар фойдаланади, ўзи эса ёниб кул бўлади.

Дунёда тўғрилиқдан яхши дўст бўлмайди.

Тўғрилик билан ҳар нарсага эришса бўлади.

Мўминлик ва тўғрилик гуноҳни қайтармаган пўлат либосдир.

Охирида кўпроқ лаззат берадиган озгина машаққат кўпроқ машаққат келтирадиган озгина лаззатдан афзалдир.

Мусаффо ва пок бир руҳни ифлос ва тубан бир баданга қурбон бериш катта айб ва кечириб бўлмайдиган хато ҳисобланади.

Диққат билан қараб, инсонларнинг бахтли яшашларига мене бўлган нарса уларнинг мол тўплаш касалига мубтало бўлиб қолиши эканлигини кўрдим.

Инсонга мол-дунё насиб бўлса-да, у бу дунёда ҳам, охиратда ҳам зиёндан бошқа бир нарса келтирмайди.

Агар икки дўст орасига бир хоин кириб қолса, албатта низо тушади.

Одам бу дунёда уч нарсага интилади, бу уч нарса эса тўрт восита билан қўлга киритилади. Бу уч нарсанинг бири — яхши турмуш кечирмоқ, иккинчиси — одамлар орасида юксак мавқега эга бўлмоқ, учинчиси — охират савобини топмоқ учун савобли ишлар қилмоқдир. Бу уч нарсага эришмоқ учун восита бўлган тўрт нарса куйидагилардир: ҳалол меҳнат билан давлат тўпламоқ; қўлга киритилган давлатни саклаб билмоқ; исрофга йўл қўймасдан давлатни ўзи, оиласи ва ака-укалари учун харжламоқ... Ниҳоят, мумкин қадар ўзини зиёнли ишлардан тиймоқ. Бу тўрт шартдан биттасини ҳам бажармаган одам ўз орзусига етолмайди. Чунки одамнинг давлати бўлмаса, у ўзи еб, бошқаларни тўйдиролмайди; агар давлати бўлса-ю, лекин уни расамади билан харжламаса, сал ўтмасдан бу давлат йўқ бўлиб кетади.

Мол-давлатни қўлга киритишдан кўра, уни харжлаш қийиндир.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ХУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчамиз хонадонларимизга етказиб берилётган газ, электр энергияси, совуқ ва иссиқ сувдан фойдаланамиз. Унутманг, кўрсатилган коммунал хизматлар буйича вақтида ҳисоб-китоб қилиниши эртанги кундаги сифатли хизматлар гаровидир.

Коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатлари учун тўловларни ўз вақтида тўлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир ва ушбу тўловлар пойтахтнинг уй-жой — коммунал хўжалигини янада ривожлантириш йўлида сарфланади. Аҳоли томонидан истеъмол қилинган электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ҳамда бошқа коммунал хизматлар учун тўловлар аҳолининг ўз танловига кўра, фақат чекловларсиз тижорат банки муассасаларида, тўловларни қабул қилиш кассаларида ва почта бўлимида амалга оширилади.

Фақат умумий савий-харажатларни бирлаштирган ҳолда, барчамиз ҳамкорликда коммунал хизматлар фаолиятининг самарадорлигига эришишимиз мумкин.

Тошкент коммунал-қурилиш техникуми томонидан 1990 йил 2 мартда Жўраев Сирожиддин Фаниевич номига берилган МТ-1 №240907 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Футбол

ПОЙТАХТ ЖАМОАЛАРИ БЕЛЛАШДИ

МАМЛАКАТ XVII МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИ ОЛИЙ ЛИГАСИНИНГ 4-ТУР БЕЛЛАШУВЛАРИДАН СЎНГ МИРЖАЛОЛ ҚОСИМОВ БОШ МУРАББИЙЛИГИДАГИ «ҚУРУВЧИ» ЖАМОАСИ ЯККА ПЕШҚАДАМ БЎЛИБ ОЛДИ.

Ўз майдонида Андижоннинг «ЎзДонгЖу» командасини қабул қилган Миржалол Қосимов шогирдлари муҳлисларига ажойиб галабани тўхфа этишди.

Тўқсон дақиқа мобайнида тўлиқ устунлик қилган «Қурувчи» жамоаси рақиблар дарвозасига бешта жавобсиз гол йўллаб йирик ҳисобдаги галабани қўлга киритди. Муҳлисларга қувончли онларни ҳаёда этган голларни дарвозага Гочкулиев, Жепаров (2 та), Саломов, Пардаевлар йўллашди.

Шуниси эътиборлики, меҳмонда «Локомотив» билан куч синашган амалдаги чемпион «Пахтакор» кўтилмаганда кучли қаршиликка дуч келди. Ўтган учта турнинг иккитасида дуранг натижани қайд этган «Локомотив» жамоаси чемпион билан тенг-

ма-тенг кураш олиб борди. Шиддатли курашга бой, муросасиз кечган ўйин 1:1 ҳисобидаги жанговар дуранг билан якунланди. «Пахтакор»дан Гейнрих, «Локомотив»дан Эвертон голларга муаллифлик қилишди. Равшан Хайдаров шогирдлари ана шу дуранг ҳисобига «Қурувчи»дан икки очкога орқада қолиб кетишди.

Қолган учрашувлар куйидагича якунланди: «Шўртан» — «Сўғдиёна» — 0:2, «Динамо» — «Нефчи» — 2:1, «Машъал» — «Насаф» — 2:1, «Металлург» — «Бухоро» — 2:1, «Навбахор» — «ОТМК» — 2:0, «Андижон» — «Қизилқум» — 1:0.

Мамлакат XVII миллий чемпионатининг 5-тур баҳслари 12,13 апрель кунлари бўлиб ўтади.

(Ўз муҳбиримиз)

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚАТ, ГАЗ!

Турар жой ва коммунал-хўжалик объектларида газ асбобларидан фойдаланиш чоғида бахтсиз ҳодисалар юз беришининг олдини олиш мақсадида **ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ:**

- ишлаб турган газ асбобларини қаровсиз қолдирманг;
- хона ва сувни иситиш асбобларини ёқишдан аввал мўрининг ҳаво тортиш ҳолатини синчковлик билан текшириб кўринг, **УНУТ-МАНГИ**, мўри тўлиб қолган ҳамда иситиш печларида ёрилган жойлар бўлса, газ ёнишидан ҳосил бўлган ис ва бошқа моддалар хонага тарқалиб, одамларнинг заҳарланишларига олиб келиши мумкин;
- иситиш асбобларининг ортиқча қизиби кетишига йўл қўйманг. **ЁДИНГИЗДА БЎЛСИНКИ**, агар мўри кўрилмаган бўлса, иситиш асбоби меъёридан ортиқ қизиби кетса, ёнгин чиқиши ва бахтсиз ҳодиса юз бериши мумкин;
- соҳадан беҳабар шахслар, айниқса, болаларнинг газ асбобларидан фойдаланишларига йўл қўйманг;
- газ асбобларига шланг улаб, фойдаланманг.
- Коммунал-хўжалик объектларининг **ГАЗ ТИЗИМИГА ЖАВОБ-**

ГАР ХОДИМЛАРИ шаҳар ва туман газ идораларида **ИНСТРУКЦИЯ**дан ўтишлари ҳамда ўз хўжалик тизимига хизмат кўрсатувчи ходимларни газ асбобларидан фойдаланиш хавфсизлиги бўйича инструкциядан ўтказишлари зарур.

- **ГАЗГА НИСБАТАН ХУШЁР ВА ЭЪТИЁТКОР БЎЛИНГ!**
- Портлаш ва ёнғиндан сақланиш учун куйидагилар қатъий тақиқланади:
 - газ таъминоти тармоғига ўзбошимчалик билан уланиш ва фойдаланиш;
 - газ хўжалигининг рухсатсиз ва тегишли ҳужжатларсиз газ асбобларини қайта ва қўшимча ўрнатиш;
 - носоз, текшириб кўрилмаган газ ва иситиш асбоблари ҳамда мўрилардан фойдаланиш;
 - ностандарт газ ёниш қурилмаларидан фойдаланиш.
- **УНУТМАНГ!** Сизнинг ноқонуний хатти-ҳаракатингиз бахтсиз ҳодисага олиб келиши мумкин.
- Агар хонада газ ҳиди борлигини сезиб қолсангиз зудлик билан газ асбоби олдидаги жўмакни бураб, газ йўлини беркитинг, хонани шамоллатинг, электр ўчиргинг ва очик оловдан фойдаланманг, дарҳол газ хўжалиги авария-нозирлик хизматига хабар беринг.

«ТОШКЕНТГАЗТАЪМИНОТ» УК

ХУРМАТЛИ ФУҚАРОЛАР!

Газ асбобларидан фойдаланиш қоидалари



Газдан фойдаланиш қоидаларига риоя қилинг

- Газ асбобларидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилинг.
- Газ асбобларини санитар ва техник жиҳатдан тўғри ҳолда сақланг.
 - Болалар ва йўриқнома ўтмаган кишиларга газ асбобларидан фойдаланишга йўл қўйманг.
 - Газ асбобларини улашда резина шланглардан фойдаланманг.
 - Ёқилган газ асбобларини қаровсиз қолдирманг.
 - Газ колонкаси ёки қозонларидан фойдаланганда уларнинг дудбурондаги тортиш кучини икки мартаба текширинг, дастлаб, газни ёқишдан аввал, кейин эса ёқилгандан сўнг беш дақиқа ўтган.
 - Агар газ ҳидини сезсангиз, зудлик билан газ асбобини ўчиринг, деразаларни очинг ва содир бўлган воқеа ҳақида телефон орқали туманшаҳаргаз филиалга хабар беринг.
 - Газ асбобларини ўзбошимчалик билан кўчириш маън этилади.

ГАЗ ҲИДИ СЕЗИЛГАНДА

Мумкин эмас!

Қилиш керак



«ТОШКЕНТГАЗТАЪМИНОТ» УНИТАР КОРХОНАСИ

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри буйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талаблари асосида комиссия қошида савдо-саноат палатаси ва тадбиркорлардан иборат Жамоатчилик Кенгаши ташкил этилган. Сизнинг қорхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз комиссиянинг ишчи органига куйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз. Ҳудудий комиссиянинг ишчи органи: 144-51-63, 140-32-18.

КАТТА ҲАЖМЛИ СУВ ЎТКАЗГИЧ ТАРМОҚЛАРИДА ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛИШИ, ШУНИНГДЕК, 2008 ЙИЛ БАҲОРГИ-ЁЗГИ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДУК «СУВСОЗ» ТРЕСТИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА ИЧИМЛИК СУВИ БОСИМИНИНГ ПАСАЙИШИ ВА БЎЛМАСЛИГИ ҲАҚИДА ҚУЙИДАГИЛАРНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

- 9 апрель соат 9.00 дан — 10 апрель соат 9.00 гача**
 1. Сув босимининг пасайиши — С.Раҳимов, Шайхонтоҳур, Учтепа туманларида умумий сув босими пасаяди, Юнусобод туманида эса қисман.
- 14 апрель соат 9.00 дан — 21.00 гача**
 1. Сув босимининг пасайиши — Шайхонтоҳур тумани, Жарарик, Алп-Жамол кўчалари, Ибн Сино 1,2-мавзёларида.
 2. Сув бўлмади — Шайхонтоҳур туманидаги «Ипакчи», Зияев маҳаллаларида.
- 17 апрель соат 9.00 дан — 18 апрель соат 9.00 гача**
 1. Сув босимининг пасайиши — Чилонзор тумани, Учтепа туманида қисман.
 2. Сув бўлмади — Яққасарой тумани, Умрзоқова, Аския кўчаларида.
- 21 апрель соат 9.00 дан 22 апрель соат 9.00 гача**
 1. Сув босимининг пасайиши — С.Раҳимов тумани Қорақамиш 1/3, 2/1, 1/4 мавзёларида.
 2. Сув бўлмади — С.Раҳимов тумани «Иброҳим ота», К.Фофуров, «Гулзор» маҳаллаларида
- 21 апрель соат 9.00 дан — 22 апрель соат 21.00 гача**
 1. Сув бўлмади — Юнусобод тумани 4, 5, 11-даҳаларида, «Кулолқўрғон» маҳалласида.
- 23 апрель соат 9.00 дан — 21.00 гача**
 1. Сув босимининг пасайиши — Сергели тумани Спутник 1-17 мавзёларида сув босими пасаяди.
 2. Сув бўлмади — Сергели тумани Янги Сергели кўчаси, «Ўзгартиш ш/х, «Ўзгартиш» посёлкаси, «Навой» ш/х, «Бобур» маҳалласида
- 23 апрель соат 21.00 дан — 24 апрель соат 06.00 гача**
 1. Сув босимининг пасайиши — М.Улуғбек, Миробод, С.Раҳимов, Учтепа, Чилонзор туманларида сув босими пасаяди. Юнусобод, Шайхонтоҳур туманларида сув босими қисман пасаяди.
 2. Сув бўлмади — М.Улуғбек тумани Циолковский, Воллодарская ва унга туташган кўчалар, 1,2,3-Қорасув мавзёлари, Сайрам кўчаси. Ҳамза тумани — С.Машҳадий, Абдуллаева, Ҳамза ва унга туташган кўчаларда сув бўлмади.
- 25 апрель соат 9.00 дан — 25 апрель соат 17.00 гача**
 1. Сув бўлмади — Яққасарой тумани, Мираҳмедова, Абдуллаева ва унга туташган кўчалари. Абдуллаева мавзёси. Чилонзор тумани Фарҳод кўчаси, Наққошлик, Чўпонота ва унга туташган кўчаларда.

Сув бўлмаган жойларга сув ташувчи махсус автомобиллар юборилади.

Маълумот учун телефонлар: 233-15-95, 233-75-95, 252-60-08.



Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
3350 нусхада босилади.
Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларида ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланади.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоқхонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

1 3 4 5 6